

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Ўзбекистон Республикаси  
Савдо-саноат палатаси Раиси  
ўринбосари

Ж. А. Мамажанов  
2021 йил 27 Август

**“Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш” лойихаси  
доирасида Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида ташкил этилаётган  
«Бизнес-инкубатор» марказларига офис мебеллари етказиб бериш учун**

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ**

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси “Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш” лойихаси доирасида Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида ташкил этилаётган «Бизнес-инкубатор» марказлариға офис мебеллари етказиб бериш учун энг яхши таклифларга танлов эълон қилади.

Танловда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ равишда офис мебелларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган маҳаллий ва халқаро ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

Махсулотларнинг дастлабки нархи (ҚҚС билан) — **500 200 000** (беш юз миллион икки юз минг) сўм.

Етказиб бериш муддати — **15 кун.**

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур проспекти, 4-үй

Телефон: +998 78 150 6006

Лойиҳани молиялаштириш манбаси: Лойиха учун ажратилган маблағлар хисобидан

Куйидаги танлов иштирокчиларига танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;
- мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар.

Танлов иштирокчилари таклифлари ташкилотчи томонидан юқоридаги манзилда иш кунлари соат 9-00 дан 18-00 гача қабул қилинади.

Танловда қатнашиш таклифлари солинган ва муҳрланган конвертлар **2021 йил 7 сентябрь** куни Тошкент вақти билан соат 15:00 гача танлов ҳужжатларида қайд қилинган манзилга тақдим этилиши шарт.

Буюртмачи ташкилот раҳбари

Ўзбекистон Республикаси  
Савдо-Саноат Палатаси раиси ўринбосари

---

Ж.А.Мамажанов

## 1. Харид предмети.

“Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш” лойихаси доирасида Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида ташкил этилаётган «Бизнес-инкубатор» марказларига 1-иловага мувофиқ офис мебеллари етказиб бериш ва ўрнатиш.

## 2. Шартнома қиймати.

Шартноманинг дастлабки нархи (КҚС билан) — **500 200 000** (беш юз миллион икки юз минг) сўм.

Шартнома тузиш учун якуний нарх танлов натижаларига кўра дизайн, стил ва нарх тамойилига кўра буюртмачи томонидан аниқланади.

Буюртмачи танлов ғолиби билан шартнома тузища 1-иловада кўрсатилган рўйхатга қисман ўзгартиришлар киритиши мумкин.

Махсулот нархи етказиб бериш қийматини ўз ичига олади ва етказиб бериш нархи шартномада алоҳида кўрсатилмайди.

## 3. Махсулотларга кўйиладиган талаблар.

Етказиб бериладиган офис мебеллари қуидаги талабларга жавоб бериши шарт:

- Махсулотлар экологик тоза ва мустахкам материаллардан ишланган бўлиши, замонавий дизайнга эга бўлиши;
- Битта “Бизнес-инкубатор” маркази доирасида барча офис мебеллари ўзаро мутаносиб дизайнга, рангларга, текстурага эга бўлиши;
- Иш столлари эргономик қулай, мустахкам ва кучли каркасга эга бўлиши, компьютер, монитор, оргтехника қурилмаларини, офис ва иш жихозларини жойлаштириш, сақлаш ва фойдаланишга мослашган бўлиши;
- Ходимлар креслолари юмшоқ экологик тоза махсулотлардан, эргономик қулай ўтиргич ва суянчиқли, роликли харакатланувчан, баландлиги ва қиялиги созланадиган бўлиши;
- Офис шкафлари мустахкам ваофисга хужжатларини сақлашга мос ўлчамда, тўлиқ юкланиш оғирлигига чидамли бўлиши;
- Офис шкафлари ойна эшикли полкаларга, тўлиқ ёпиқ калитли бўлинмаларга эга бўлиши;
- Трибуна бошқа мебел жихозларига нисбатан ўзаро мутаносиб бўлиши, микрофон, овоз динамиклари ўрнатиш учун жихозланган бўлиши;
- Аудитория стуллари эргономик ўриндик ва суянчиқقا эга бўлиши, ўқувчининг олдида очиладиган ёки йифиб кўйиладиган тахтага, пюпитри бўлиши. Бунда пюпитр йифиб кўйилган холатда ўқувчига ўтиришга халал бермаслиги, очик холатда bemalol ёзиш, ўқиш имконини бериши керак. Танлов иштирокчилари пюпитрли стул ўрнига бир ўринли стол ва кресло таклиф қилишлари мумкин;

- Барча мебель махсулотлари ўрнатилган тартибда тегишли хужжатларга (сифат сертификати, санитария-эпидемиология хуносасига ёки бошқа) эга бўлиши.

“Бизнес-инкубатор” марказларига офис мебеллари етказиб бериш таклифини тайёрлашда марказлар тадбиркорларни ўқитиш, семинар ва конференциялар ўтказишга мўлжалланганлигини инобатга олиш керак.

#### 4. Тижорат таклифларини бериш.

Танлов иштирокчилари ўз тижорат таклифларида қуйидаги маълумотларни кўрсатишлари шарт:

- Махсулот номи
- Махсулот ўлчамлари, хусусиятлари, афзалликлари, мувофиқлик стандартлари
- Махсулот ўлчамлари чизмаси (эскизи) ва 3D модели (AutoCAD форматида).
- Махсулот фотомсуратлари, текстура рангли фотосурати
- Ишлаб чиқарувчи хақида маълумот
- Хар бир махсулотга кафолат муддати ва кафолат шартлари
- Ишлаб чиқариш ва етказиб бериш муддатлари
- Агар махсулот бошқа маъбадан сотиб олиниб етказиб бериладиган бўлса, бунинг сабаблари ва сотиб олинадиган манба хақида маълумот
- Хар бир махсулотга ўрнатилган тартибда талаб қилинадиган хужжатлардан кўчирма (сифат сертификати, мувофиқли сертификати, экологик сертифкат ва бошқалар мавжудлигига кўра)

Танлов иштирокчилари 1-иловада кўрсатилган махсулотлардан ташқари, “Бизнес-инкубатор” марказлари учун функционал ва стилистик зарур деб топган бошқа махсулотларни алоҳида таклиф сифатида кўшимча киритишлари мумкин. Бу таклифлар буюртмачи томонидан инобатга олиниши кафолатланмайди ва бу кўшимчалар асосий махсулотлар нархига таъсир қилмайди.

Танлов иштирокчилари 1-иловада кўрсатилган махсулотлар ўрнига бошка, ўзлари ишлаб чиқсан алтернатив дизайн ва стилистик жихозлаш варианларини таклиф қилишлари мумкин. Бунда “Бизнес инкубатор” марказлари хоналари, ходимлари ва мўлжалланган ўкув ўринлари инобатга олиниши ва алтернатив таклиф асосланган бўлиши шарт. Алтернатив таклифлар асосий таклифларга нисбатан устунликка эга эмас ва буюртмачи ихтиёрига кўра танлаб олиниши мумкин.

#### 5. Ғолибни танлаб олиш

Буюртмачи тижорат таклифларини (шу жумладан альтернатив таклифларни) ўз талаблари ва истакларидан келиб чиқсан холда кўриб чиқади ва таклиф этилаётган махсулотлар дизайнни, стили, конструкцияси, ранглари ва материаллари, махсулот тўпламлари дизайн уйғунлиги ва таклиф этилаётган нархлар асосида ғолибни аниқлайди.

Махсулот дизайнни ва стилини аниқлашда барча махсулотлар суратлари, ўлчамлари, текстураси, бир бирига уйғунлиги асос сифатида олинади. Бунда энг яхши нарх инобатга олиниши буюртмачининг танлаш хуқуқи хисобланади.

Буюртмачи, заруриятга кўра, танлов иштирокчиларидан айрим махсулотларни қайта кўриб чиқиши ёки алмаштиришни сўраши мумкин.

Буюртмачи, танлов натижаларига кўра дизайн, стил ва нарх тамойилига кўра танлаб олинган иштирокчи билан шартнома тузиш даврида, 1-иловада кўрсатилган махсулотлар тури ва сонини қайта кўриб чиқиши ва ўзгартиришлар киритиш хуқуқини сақлаб қолади.

#### 6. Етказиб бериш шартлари:

Офис мебеллари 1-иловага мувофиқ, буюртмачи кўрсатган манзилга белгиланган микдорларда ва муддатларда ижрочи (танлов ғолиби) маблағлари ва воситалари хисобига етказиб берилади.

Етказиб бериш муддати шартнома имзолангандан сўнг 15 кун.

#### 7. Тўлов шартлари.

Тўлов шартлари: 60% тўлов 5 банк куни мобайнида шартнома имзолангандан сўнг, қолган 40% қисми товар етказилиб берилиб, ўрнатилгандан сўнг ва топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда накладной имзолангандан кейин 5 банк куни ичida амалга оширилади.

#### 8. Кафолат шартлари.

Танлов иштирокчилари ўз таклифларида кафолат муддатларини ва кафолат шартларини кўрсатишлари шарт. Кафолат муддатлари 6 (олти) ойдан кам бўймаслиги керак.

#### 9. Махсус шартлар.

Танлов ўтказиш ёки шартнома имзоланиши даврида, шунингдек етказиб бериш давомида буюртмачи танлов ва шартнома шартларини бузмаган холда 1-иловага ва етказиб бериш муддатларига ўзгартиришлар киритиш хуқуқига эга. Бу хақда барча танлов иштирокчиларига (ғолиб-ижрочига) ёзма равишда хабар берилади.

## **Танлов шартларига 1-илова.**

**«Бизнес-инкубатор» марказларига зарур офис мебеллари рўйхати.**